

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/13.05.2020.Үш.22.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

ХАКБЕРДИЕВ АБДУМУРАД АБДУСАИДОВИЧ

**ЖИНОЙ ИНСЦЕНИРОВКАЛАРНИ ТАСНИФЛАШНИНГ НАЗАРИЙ
АСОСЛАРИ, УЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА ТЕРГОВ ҚИЛИШ
МЕТОДИКАСИ**

12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-кидирув ҳукуқи ва суд экспертизаси

**Юридик факлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Хакбердиев Абдумурад Абдусандович Жиноий инсценировкаларни таснифлашнинг назарий асослари, уларни аниқлаш ва тергов қилиш методикаси	3
Хакбердиев Абдумурад Абдусандович Теоретические основы классификации криминальных инсценировок, методика их выявления и расследования	21
Khakberdiev Abdumurad Abdusaidovich Theoretical foundations of the classification of criminal staging, methods of detection and investigation	39
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/13.05.2020.Уш.22.03
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

ХАКБЕРДИЕВ АБДУМУРАД АБДУСАИДОВИЧ

**ЖИНОЙИ ИНСЦЕНИРОВКАЛАРНИ ТАСНИФЛАШНИНГ НАЗАРИЙ
АСОСЛАРИ, УЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА ТЕРГОВ ҚИЛИШ
МЕТОДИКАСИ**

12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқи ва суд экспертизаси

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Үн405 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасига (www.tsul.uz/uz-ilmiy-kengash) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим тармоғи порталига (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.


Илмий раҳбар:	Пулатов Юрий Сайфиевич юридик фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Тулаганова Гулчехра Захитовна юридик фанлар доктори, профессор Султонов Абдулла Азаматович юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси


Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги DSc.07/13.05.2020.Үн.22.03 рақамли Илмий кенгашининг 2021 йил 12 август соат 15:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел.: (99871) 233-66-36; факс: (998971) 233-37-48; e-mail: info@tsul.uz)


Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (957 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент ш., А. Темуր кўчаси, 13. Тел.: (99871) 233-66-36)

Диссертация автореферати 2021 йил «16» июль кuni тарқатилди.
(2021 йил 16 июлдаги 2-рақамли реестр баённомаси)




У.А. Тухташева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, юридик фанлар доктори (DSc),
профессор


Д.Г. Камалова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, юридик фанлар бўйича
фалсафа доктори (PhD)


Н.С. Саласев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, юридик
фанлар доктори (DSc), профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда рўй бераётган интеграция жараёнлари жиноятчиликка қарши курашиш тизимини тубдан ислох қилиш шароитида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари муҳофазасини янада кучайтириш лозимлигидан далолат беради. 2019-2020 йилларда дунё миқёсида 15 миллиондан ортиқ мол-мулкка ва 441 мингдан ортиқ одам ўлдириш, 3 миллионга яқин босқинчилик, одам савдоси 15%га камайган, 3.1 миллион номусга тегиш жиноятлари қайд этилган¹. Ушбу ҳолатларнинг аксариятида жиноят изларини йўқ қилишга, уларни воқеа жойида ўзгартиришга қаратилган турли хил инсценировка усуллари қўлланилган, натижада бундай инсценировкалар ёрдамида содир этилган айрим жиноятлар очилмасдан қолиб кетмоқда. Жинойий инсценировка туфайли дунёдаги оғир ва ўта оғир жиноятларни яшириш кўрсаткичи юқори бўлиб, ушбу ишларни тергов қилиш ва аниқлашнинг махсус методикаси мавжуд эмас. Шу муносабат билан, инсценировка қилинган жиноятларни фош этиш ва тергов қилиш методикасини ишлаб чиқиш, жинойий инсценировка қўлланилган ҳолатларни ҳар томонлама тадқиқ этишга қаратилган илмий изланишлар сони ва кўламини ошириш, жинойий инсценировкани фош этишнинг криминалистик техник ва тактик жиҳатларини такомиллаштириш, ҳамда бу каби ҳолатларнинг олдини олиш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда жиноятчиликка қарши самарали курашиш учун оғир ва ўта оғир жиноятларни тез ва тўла очиш орқали айбдорларни фош этиш катта аҳамият касб этмоқда. Шу муносабат билан, содир этилган жиноятларни ўз вақтида фош қилиш ва терговнинг сифатли ўтказилиши дастлабки тергов самарадорлигини оширишнинг энг муҳим шarti ҳисобланади. Ушбу фаолият соҳаси суд-ҳуқуқ тизими устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланиб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиётини яхшилашда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда жиноятларни ўз вақтида фош этиш, ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона тергов қилиш, жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини сўзсиз амалга оширишнинг самарали механизмларини яратиш мақсадида жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда². Бирок, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ахборот маркази маълумотларига кўра, ҳар йили мамлакатда рўйхатга олинган жиноятларнинг 10 фоизга яқини фош этилмай қолмоқда. Масалан, Тошкент шаҳрида жиноятларни фош қилиш даражаси 2019 йилда 91,2% ни, 2020 йилда 91,5% ни ташкил этган (фош қилинмаганлик даражаси 8,8% ва 8,5%). Шу нуқтаи назардан, инсценировка усули билан содир этилган жиноят ишларини аниқлаш ва тергов қилиш методикасини такомиллаштириш, амалдаги қонунчилик нормаларини ва жиноятни инсценировка қилишнинг

¹ <https://data.banodc.in.org/content/data/homicide/homicide-rate>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харажатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

криминалистик жиҳатларини таҳия қилиш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиринида жиноий инсценировка бўйича тусмолларни илгари суриш, уларни текшириш ва аниқлаш ҳамда суғлий далилларни яратиш билан боғлиқ ёлгон хабар бериш ҳолатларини фой қилиш методикасини янада такомиллаштиришига қаратилган комплекс илмий тадқиқотлар ўтказиш зарурати вужудга келмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (1994 й.) ва Жиноят-процессуал кодекси (1994 й.), «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги (2016 й.), «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига жиноят процессида иштирок этувчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишни кучайтиришга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимча қиритиш тўғрисида»ги (2020 й.) Қонунларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2016 й.) Фармони, «Ички ишлар органларининг жиноятларни тергов қилиш соҳасидаги фаолиятини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2017 й.), «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2018 й.) қарорлари ҳамда мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикада фан ва технология ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республикада фан ва технология ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион гоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Муайян жиноятнинг криминалистик хусусиятларининг умумназарий ва амалий жиҳатлари, қилмишни амалга ошириш усуллари, айрим турдаги жиноятларни фой қилиш ва тергов қилиш усуллари бўйича миллий миқёсда Г.А.Абдумажидов, И.Р.Астанов, Д.Б.Базарова, А.К.Закурлаев, Р.Кабулов, Д.М.Миразов, Ф.М.Мухитдинов, Б.Х.Пўлатов, Ю.С.Пўлатов, М.Х.Рустамбаев, А.И.Тошпўлатов, Г.З.Тўлаганова, Т.Х.Хасанов, Ғ.О.Эрматов ва бошқалар тадқиқот олиб борганлар.

МДХга аъзо давлатларда жиноий инсценировка муаммолари К.Т.Айтбаев, С.Ю.Алесковский, О.А.Баев, Е.В.Баранов, Р.С.Белкин, А.Н.Васильев, А.Я.Гинзбург, В.В.Дементьев, В.Ф.Ермолович, Г.А.Зорин, З.Х.Искандаров, В.С.Комаркин, В.Е.Корноухов, И.М.Лузгин, П.В.Малышкин, Г.Н.Мудьюгин, И.А.Николайчук, В.А.Образцов, В.А.Овечкин, А.А.Протасевич, А.Р.Ратинов, А.В.Ушенин, В.И.Фадеев, Н.В.Ханин, Ян Цзун Хуэй, И.Н.Якимовлар томонидан ўрганилган.

Хорижий олимлар Г.Гросс (Австрия), S.Gardner (АҚШ), Jonathan Herring (АҚШ), Linda S.Mullinex (АҚШ), J.P.Buckley (АҚШ), Francesco

Lupariello (Италия), Serena Curti (Италия), Janet Barber Duval (Италия), Giovanni Abbattista (Италия), Giancarlo Di Vella (Италия), Robert R. Hazelwood (АҚШ), Michael R. Napier¹ (АҚШ) на бошқаларнинг ишларида жиний инсценировканинг ўзига хос хусусиятлари ёритилган.

Бироқ юқорида номлари келтирилган олимларнинг илмий ишларида инсценировкани фош этиш муаммолари анъанавий тарздаги «классик» инсценировка, яъни илгари содир этилган жиноятлар «ниқоб» қилиб олинган инсценировкага асосий эътиборни қаратиш тарзида ёритиб берилган. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикасида мустақил тадқиқот объекти сифатида докторлик диссертацияси даражасида тадқиқ қилинмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент давлат юридик университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Глобаллашув шароитида жиноятчиликка қарши курашни такомиллаштириш муаммолари» мавзусидаги илмий тадқиқотнинг устувор лойиҳалари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади жиний инсценировкани фош этиш, жиноятни содир этиш инсценировкасининг криминалистик моҳиятини очиб бериш, уни фош этишга онд назарий хулосалар, амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

дастлабки тергов органлари ва суд амалиётини таҳлил қилиш асосида инсценировка тушунчаси, унинг моҳияти ва турларини аниқлаш;

жиний инсценировкани таснифни ўрганиш;

жиноятни инсценировка қилишни криминалистик таҳлил қилиш асосида муайян ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

хорижий давлатларда айрим жиноятлардаги инсценировканинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш;

жиний инсценировка жараёнидаги салбий ҳолатларни очиб бериш;

инсценировка қилиш орқали содир этилган жиноятларни аниқлаш ва фош қилишнинг умумий усуллари тавсифини кўрсатиш;

ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда жиний инсценировка бўйича тусмолларни илгари суриш, уларни текшириш ва аниқлашга онд тавсиялар ишлаб чиқиш;

сунъий далилларни яратиш билан боғлиқ бўлган ёлгон хабар бериш ҳолатларини фош қилиш методикасини такомиллаштиришга онд таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти жиноят ишларини тергов қилишдаги инсценировка белгиларини аниқлаш жараёнида юзага келадиган ижтимоий ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети жиноят ишларини тергов қилишда

¹ Мазкур олимларнинг асарларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

инсценировка белгиларини аниқлаш механизмини тартибга солувчи жиноят ва жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари нормалари, суд-тергов амалиётини такомиллаштириш борасидаги концептуал ёндашувлар, олимлар ва мутахассисларнинг илмий-назарий карашларидан иборатдир.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот олиб боришда тарихийлик, тизимли таҳлил, қиёсий-ҳуқуқий, мантиқий-юримдик, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, жиноят ишлари ва статистик маълумотлар таҳлили, социологик сўровлар ўтказиш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:
жиноят процессуал қонунчилигига янги институт сифатида комплекс гувоҳлантиришни киритиш зарурлиги асослантирилган;

танадаги жароҳатларнинг кийимдаги мавжуд излар билан мослигини аниқлаш учун комплекс гувоҳлантириш ўтказиш тартибини жорий қилиш лозимлиги асослантирилган;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиринишда жиноий инсценировка бўйича тусмолларни илгари сурниш, уларни текшириш ва аниқлаш зарурлиги асослантирилган;

жиноий инсценировкани фош этишда ўта оғир жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечирниш ҳамда кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш каби процессуал ҳаракатларни видеоёзув орқали қайд этиш зарурлиги асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

инсценировка усули орқали содир этилган жиноят учун жавобгарликни дифференция қилиш ва суд-тергов амалиётини келиб чиқиши мумкин бўлган турли тушунмовчиликларнинг олдини олиш мақсадида Жиноят кодексининг 56, 230¹, 230²-моддаларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш асослантирилган ҳамда 237-модданинг янги таҳрири ишлаб чиқилган;

жиноий инсценировкаларни аниқлаш, фош этиш ва уларнинг қўлланилишининг олдини олиш мақсадида Жиноят-процессуал кодексининг 82, 90, 142-моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш лозимлиги асослантирилган ҳамда 142¹-модданинг янги таҳрири ишлаб чиқилган;

инсценировкаларни таснифлашда мавжуд камчиликларни бартараф этиш учун инсценировка ҳолатлари қуйидагича таснифланган: содир этилган жиноят ҳодисасини яширишга қаратилган инсценировка; жиноят ҳодисасининг айрим элементлари (бошқа сабаб, бошқа жой, бошқа вақт, бошқа шахс)ни яширишга қаратилган инсценировка; хаёлий жиноий ҳодисаларни инсценировка қилиш;

инсценировкаларни объекти бўйича, инсценировка қилинган жиноят турлари, инсценировкақачининг мақсади ва жиноятни яширишнинг бошқа усуллари билан боғлиқлик даражасига кўра таснифлаш таклиф этилган;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Ахборот (таҳлилий) марказига жиноятни тергов қилиш жараёнида аниқланган жиноий инсценировкаларни қайд қилиш ва уларни доимий мониторинг (кузатиш)ни ташкил этишни юклаш зарурлиги тўғрисидаги таклиф асослантирилган;

дастлабки терговга ва иш шароитларини ҳар томонлама, тўлиқ ва

объектив ўрганишга тўсқинлик қиладиган жиноий инсценировканинг белгилари бўлган жиноятлар таркибини учта йўналиш бўйича гуруҳларга ажратиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги таклиф асослаб берилган;

ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш пайтида жиноий инсценировканинг тусмолларини, уларни текшириш ва аниқлаш тартибини илгари суриш зарурлиги асослаб берилган;

сунъий далилларни яратиш билан боғлиқ ёлгон хабар беришни фош қилишнинг ташкилий, ҳуқуқий ва тактик чора-тадбирлар комплекси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари миллий қонун нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, қонунни қўллаш амалиёти, социологик тадқиқотлар натижалари, статистик маълумотлар таҳлилга асосланган бўлиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Бундан ташқари, ишда Тошкент шаҳри, Сирдарё ва Андижон вилоятлари жиноят ишлари бўйича судларининг 324 та жиноят иши материалларидан фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти илмий-назарий хулосалар, амалий таклиф ва тавсиялардан келгуси илмий фаолиятда, қонун ижодкорлигида, қонунни қўллаш амалиётида, жиноят ва жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлашда, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда «Жиноят ҳуқуқи», «Жиноят-процессуал ҳуқуқи», «Жиноятларни дастлабки тергов қилиш» ва «Криминалистика» фанларини илмий-назарий жиҳатдан янада бойитилишида намоён бўлади. Тадқиқот ишининг назарий жиҳатларига таяниш келгусида жиноий инсценировка орқали яширилган жиноятларни тергов қилишда тергов ва тезкор ходимлар фаолияти самарадорлигини оширишга бевосита хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, жиноий инсценировка тушунчаси асосида ишлаб чиқилган амалий тавсия ва тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда, шунингдек, криминалистика, жиноят ишлари юритувида далиллар назарияси каби фанлар бўйича маърузалар ўқиш ва амалий машғулотлар ўтказишда, ўқув ва услубий қўлланмалар ишлаб чиқишда фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жиноий инсценировкаларни таснифлашнинг назарий асослари, уларни аниқлаш ва тергов қилиш методикаси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

жиноят процессуал қонунчилигига янги институт сифатида комплекс гувоҳлантиришви киритиш лозимлиги ҳақидаги таклиф янги таҳрирдаги Жиноят-процессуал кодекси лойиҳасининг тегишли моддаларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2020 йил 9 ноябрдаги 27/21-02-7952820-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг қабул қилиниши амалга оширилган инсценировкани аниқлашга хизмат қилади;

таъдиди жароҳатларнинг кўлимдаги мавжуд излар билан мослигини аниқлаш учун қўшимча гувоҳлиқларни ўтказиш тартибини жорий қилиш лозимлиги ҳақидаги таълиф илми таҳриридаги Жиноят-процессуал кодекси лойиҳасининг тегишли моддаларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирликлар ва идораларнинг 2020 йил 9 ноябрдаги 27/21-02-7952820-сон маълумотномаси). Мазкур таълифнинг қабул қилиниши амалга оширилган инспекциянинг аниқлашга хизмат қилади;

ҳуқуқни муҳофиза қилувчи органлар томонидан ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда жиноий инспекция бўйича тусмолларни илгари сурини, уларни текшириш ва аниқлаш зарурлиги ҳақидаги таълиф «Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда жиноий инспекция бўйича тусмолларни илгари сурини, уларни текшириш ва аниқлаш» номли услубий тавсиянома ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги Таргов департаментининг 2020 йил 13 ноябрдаги 18/6811-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома амалиётда ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг умумий ёндашувларини белгилашга хизмат қилган;

ўта оғир жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ҳамда кўрсатувларини ҳодиса содир бўлган жойда текшириш каби процессуал ҳаракатларни видсоёзув орқали қайд этиш зарурлиги ҳақидаги таълиф «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига жиноят процессида иштирок этувчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишни кучайтиришга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 1-моддаси иккинчи бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонулчилик палатасининг 2021 йил 12 январдаги 6/1-05/2702-сон маълумотномаси). Мазкур таълифнинг қабул қилиниши жиноят процессида иштирок этувчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 3 та халқаро, 4 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, 1 та услубий тавсиянома, 14 та илмий мақола (улардан 4 таси хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 148 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кўриш (докторлик диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот маъзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация маъзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларининг эълош қилинганлиги ва диссертациянинг ҳажми ҳамда тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг «Жиноий инсценировканинг назарий асослари» номи билан беришчи бобда криминалистикада инсценировка тушунчаси, моҳияти ва турлари, жиноий инсценировкани таснифлашнинг илмий-назарий асослари ёритилган.

Диссертант қайд этганидек, криминалистикада жиноий инсценировка тушунчасига оид қатор олимлар (Э.В.Баранов, Р.С.Белкин, А.Н.Василев, Г.Гросс, В.В.Дементев, Г.А.Зорин, В.А.Обрацов, В.В.Кузнецов, И.М.Лузгин, Г.Н.Мудьогин, А.Р.Ратинов, В.И.Фадеев, Я.Ц.Хуэй ва бошқалар)нинг қарашлари таҳлил қилиниб, жиноий инсценировка тушунчасига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган.

Жиноий инсценировка – субъект томонидан жиноятни содир этиш ва яширишга тайёргарлик кўришнинг турли усулларида қасддан фойдаланиш, ҳодиса содир бўлган жойдаги моддий объектларни йўқ қилиш, тўлиқ ёки қисман олиб қўйиш ёки уларнинг ўринини ўзгартириш, шунингдек, жиноятнинг қош этилишига ва тергов қилинишига тўсқинлик қилиш, айбсиз шахснинг жиноий жавобгарликка тортилиши ва жазодан қочишига сабаб бўлиш.

Жиноий инсценировканинг моҳияти бирон-бир ҳодисанинг ташқи кўринишини бошқасига алмаштириш ёки қасддан мавжуд вазиятнинг баъзи элементларини ўзгартиришдан иборат бўлиб, шу билан бирга, жиноий инсценировка таркибида бир вақтнинг ўзида ҳақиқий ва сунъий равишда яратилган ҳодиса элементлари мавжуд бўлади. Жиноятчи вазиятни ўрганишда инсценировка кўринишини яратади, яъни жиноятчи жиноятни инсценировка қилиш белгилари билан ҳодиса содир бўлган жойни қасддан яратиш, терговчини чалғитиш ва ҳодисанинг моҳияти тўғрисида нотўғри тушунча шакллантирилишини мақсад қилган бўлади, бу эса терговчи томонидан қош қилиниши шарт.

Диссертацияда инсценировка фаолияти 3 босқичдан: дастлабки босқич – инсценировка мақсадини аниқлаш ва уни амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилиш; тайёргарлик босқичи – тегишли техник воситаларни излаш ва уларни синовдан ўтказиш, режа тузиш, жиноий шерикларни топиш; якуний босқич – тўғридан-тўғри инсценировка кўринишидан иборат эканлиги асослаб берилган.

Муаллиф тадқиқот ишида жиноий инсценировка моҳиятини кўриб чиқиш давомида инсценировка фаолиятининг элементларига: субъект; фаолият предмети; мақсади; инсценировка мотиви; мақсадга эришиш усуллари; мақсадга эришиш механизми; инсценировка фаолияти амалга оширилган шартлар; инсценировка фаолияти натижаси; ушбу фаолият натижасида юзага келган оқибатларни киритиш мақсадга мувофиқлигига эътибор қаратган.

Муаллиф жиноий инсценировка таснифлашда турли хорижий криминалист олимларнинг фикрларини таҳлил қилиб, жиноий инсценировка жиноят ҳодисаларини яширишга қаратилган инсценировка; жиноят ҳодисасининг алоҳида элементлари (бошқа бир мотив, бошқа жой, бошқа вақт, бошқа шахс)ни яширишга қаратилган инсценировка; хаёлий жиноят ҳодисаларини инсценировка қилишга ажратиш кераклиги хусусида ўз таклифларини илгари сурган. Шунингдек, тадқиқотда барча жиноий инсценировкаларни иккита катта гуруҳга бўлиш: 1) жиноятларни яширишни инсценировка қилиш; 2) аслида содир бўлмаган жиноят ҳодисаларини инсценировка қилиш лозимлиги ҳақидаги фикрлари илгари сурилган.

Тадқиқотчи ишда жиноий инсценировканинг доимий мониторинги (статистик кузатуви)ни ташкил этиш мақсадида В.И.Фадеевнинг фикрини қўллаб-қувватлаб, жиноий инсценировка статистик картасини ишлаб чиқиш ва қўллаш орқали ушбу муаммони ҳал қилиш лозимлигини таъкидлаб статистик картани ишлаб чиққан.

Диссертациянинг «**Жиноий инсценировканинг криминалистик таснифи**» номли иккинчи бобида жиноятни инсценировка қилишнинг криминалистик таҳлили, хорижий давлатларда айрим жиноятларни тергов қилишда полиграфдан фойдаланиш билан боғлиқ инсценировкаларнинг қиёсий таҳлили ҳамда жиноий инсценировка жараёнидаги салбий ҳолатлар ёритилган.

Тадқиқотчи Х.Ачилов, З.Гулямов, К.Ишниязов, А.Мирзаев, В.Сверчков, Б.Умарова, М.Хабибуллин, Б.Худайбергенов, Ю.ЩигOLEV, Б.Якоб, Robert R.Hazelwood, Michael R.Napier каби олимларнинг жиноятларнинг тегишли турларини тергов қилиш усуллари ҳақидаги фикрларини таҳлил қилиб, инсценировка белгиларига эга бўлган жиноятлар таркибини гуруҳларга бўлиб тадқиқ этган.

Муаллиф жиноят ишлари бўйича Сирдарё, Андижон вилоятлари ва Тошкент шаҳри суди томонидан кўриб чиқилган 324 та жиноят ишини таҳлил қилиш натижасида уларнинг 48 тасида (барча ўрганилган жиноят ишларининг 14,7% ида) инсценировка фактларини аниқлаган. Уларнинг аксарияти ўғирлик (1-ўрин), номусга тегиш ва фирибгарлик (2-ўрин), қасддан одам ўлдириш, талончилик, сохта ҳужжатларни тайёрлаш, ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган жиноятлар (3-ўрин) ҳиссасига тўғри келган. Шу билан бирга, 48 та жиноятнинг 34 таси инсценировка бажарувчи томонидан амалга оширилганлиги, ушбу жиноятларнинг аксарияти вояга етган эркаклар томонидан содир этилганлиги аниқланган.

Ёлгон хабар бериш, ёлгон гувоҳлик бериш, далилларни сохталаштириш, жиноят ҳақида хабар бермаслик, шунингдек жиноятларни

тергов қилишда полиграфдан фойдаланиш билан боғлиқ инсценировкаларнинг қиёсий жиноят-ҳуқуқий таҳлилини амалга ошириш мақсадида АҚШ, Австрия, Арманистон, Беларусь, Германия, Испания, Россия, Тожикистон, Украина, Франция, Қозоғистон, Хитой, Швейцария ва Япония каби 15 та давлатнинг жиноят қонучилиги ўрганилиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 230¹-моддасининг (Далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш) янги тўртинчи қисми билан тўлдириш таклиф этилган.

Бундан ташқари, криминалистика лабораторияларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан «ёлгонни аниқлаш детектори» психофизиологик усули ва уни қўллашни такомиллаштириш бўйича дунёдаги аксарият мамлакатларда олиб борилаётган тадқиқотлар ўрганилган. Жумладан, АҚШ, Канада, Япония, Польша ва МДХ мамлакатларида ҳам полиграфия усулини ривожлантириш бўйича фаол иш олиб борилаётганлиги, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг илмий-тадқиқот институтлари (масалан, Беларусь Республикаси ва Россия Федерацияси) криминалистика лабораторияларида полиграфдан кенг фойдаланилаётганлиги, унинг жиноятчиликка қарши кураш соҳасида ҳам, кундалик ҳаётда ҳам қўлланилаётганлиги; Қозоғистонда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда полиграфиянинг: 1) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хизматга қабул қилишда; 2) навбатдаги аттестациядан ўтаётганда; 3) хизмат текширувлари ўтказилаётганда қўлланилишининг мажбурийлиги кўриб чиқилган.

Тадқиқотчи томонидан жиноятчиликка қарши курашишнинг халқаро амалиётида полиграфнинг қўллаш натижаларини, психофизиологик хусусиятларнинг етарли даражада ишлаб чиқилмаганлигини инобатга олган ҳолда одил судлов соҳасида полиграфдан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш кераклиги тўғрисидаги хулосага келинган.

Криминалист олимларнинг тадқиқотлари ва жиний инсценировканинг салбий ҳолатлари билан боғлиқ бўлган жиноят процессларининг таҳлили натижасига кўра, салбий ҳолатларнинг белгилари инсценировка белгиларига ўхшашлиги ва бунинг оқибатида уларнинг иккаласи ҳам терговчини инсценировка мавжудлиги ҳақидаги нотўғри фикрга йўналтиришга қаратилганлиги билан изоҳланади. Салбий ҳолат атамаси лотинча сўздан келиб чиққан бўлиб, инкор деган маънони англатади, демак иккинчи номи — инкор этувчи ҳолатдир. Бироқ муаллиф томонидан бу тушунчалар ўртасида сезиларли фарқлар мавжудлиги кўрсатилган: 1) ҳар қандай сабабларга кўра салбий ҳолатлар юзага келиши мумкин, инсценировка белгиси эса фақат инсценировкани яқунлаш натижасида вужудга келади. Салбий ҳолатлар тушунчаси инсценировка белгиси тушунчасидан кенгрокдир, яъни ҳамма салбий ҳолатларда ҳам инсценировка белгиси бўлиши мумкин эмас; 2) инсценировка белгилари ходиса содир бўлган жойда уни амалга оширишнинг деярли барча ҳолатларида рўй берса-да, инсценировка ҳар доим ҳам салбий оқибатларга олиб келмайди. Диссертант ушбу тушунчаларни ҳисобга олган ҳолда, ҳар

доим иккита карама-қарши тусмол (одам ўлдириши ва ўз жонига қасд қилиши – қасддан ва эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириши; одам ўлдириши ва бахтсиз ҳодиса – одам ўлдириши ва табиий ўлим)ни текшириш мақсадга мувофиқлиги ҳақида хулосага келган.

Муаллиф диссертацияда салбий ҳолатларни аниқлашда тергов жараёнида жиноятчининг жиноий инсценировкани яратишга қаратилган фаолияти бор деган хулосага келган. Мазкур аниқланган салбий ҳолатлар жиноий инсценировкани аниқлаш ва фош қилиш усулларининг хусусиятларини аниқлашга хизмат қилади.

Диссертациянинг «Жиноий инсценировкаларни аниқлаш ва тергов қилишнинг криминалистик тавсифи» номли учинчи бобида инсценировка қилиш орқали содир этилган жиноятларни аниқлаш ва фош қилишнинг умумий усуллари тавсифи, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда жиноий инсценировка бўйича тусмолларни илгари суриш, уларни текшириш ва аниқлаш ҳамда сунъий далилларни яратиш билан боғлиқ бўлган ёлгон хабар бериш ҳолатларини фош қилиш усуллари тадқиқ этилган.

Диссертацияда муаллиф жиноий инсценировкани муваффақиятли аниқлаш ва фош этиш мақсадида сурштирувчи ёки терговчи қўйидаги ҳаракатларни амалга ошириши лозимлигини кўрсатган: ишда мавжуд бўлган вазиятни таҳлил қилиш ва баҳолаш; текширишдан чиқарилмаган моделлар ва изларни қиёсий таҳлил қилиш; ҳар қандай моделнинг ҳақиқатда содир бўлган ҳодисага мувофиқлиги тўғрисида хулоса чиқариш; қўрилган моделларнинг хусусиятларини ўрганиш ва таққослаш, улардан натижаларни олиб ташлаш ва уларни текшириш; баъзи оқибатларнинг ҳақиқий ва бошқаларининг ҳақиқий эмаслигини аниқлаш; ушбу моделнинг ҳақиқатини объектив равишда тасдиқловчи ва хато эҳтимолини истисно қиладиган қўшимча маълумотларни олиш бўйича чоралар кўриш; инсценировка қилинган ҳодисадан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларга олиб келадиган ҳодисани аниқлаш жараёнини яқунлаш тўғрисида қарор қабул қилиш.

Тадқиқотчи жиноятчиликка қарши курашининг ҳозирги ҳолати ҳар бир терговчи ёки сурштирувчининг ҳодиса жойида жиноий инсценировканинг мавжудлиги ёки йўқлигини тез аниқлаш имкони ва маҳоратига эга эмаслигидан далолат беришини, бу эса, ўз навбатида, мазкур жиноятлар аниқланмаслигига сабаб бўлиши ва бунинг натижасида латент жиноятчиликнинг кўпайишини асослаган. Шу муносабат билан, терговга қадар текширув, сурштирув ва дастлабки тергов органлари ходимларидан инсценировкани аниқлаш ва фош этиш учун юқори даражадаги касбий тайёргарлик талаб этилиши кўрсатилган. Бу фикрни сўровда иштирок этган прокуратура ва ички ишлар органлари терговчиларининг 94,3%и ҳам тасдиқлаган.

Диссертацияда жиноий инсценировкани аниқлаш ва фош этишда қўлланиладиган қўйидаги усуллар: универсал; дастурий мақсадли; режалаштириш; намунавий дастурлар (алгоритмлар) яратиш; моделлаштириш таҳлил қилинган.

Хусусан, муаллиф режалаштириш таркибидаги асосий элементларга: тусмолни илгари суриш ва терговнинг умумий стратегиясини; тергов ҳаракатлари тизимини ва уларга алоқадор шахсларни; айрим тергов ҳаракатларининг тактик хусусиятлари ва усуллари аниқлаш; тергов натижаларини таҳлил қилиш (танқидий баҳолаш) кераклигини белгилаган.

Муаллиф тергов дастури – бу жиний инсценировка тоифасига кирадиган жиний ишларини тергов қилиш учун одатий бўлган тергов ҳаракатлари кетма-кетлиги тўғрисидаги маълумотлар тизими эканлигини таъкидлаб, жиний инсценировка аниқлаш ва фош қилиш учун намунавий дастурлар (алгоритмлар)ни яратишни қуйидаги босқичларга ажратган: а) жиний ишларни тергов қилиш бўйича амалий маълумотларни тўплаш ва тергов жараёнида инсценировка фаолиятига хос бўлган жиҳатларни аниқлаш; б) ҳар бир стандарт тергов ҳолати учун муаммоларни аниқлаш, вазифаларни ҳал қилиш учун воситаларни белгилаш; в) алгоритм (дастур) яратиш ва кейинчалик уни текшириш.

Диссертант жиний механизмни моделлаштиришни уч босқичга ажратган: 1) жинийгача бўлган босқич; жинийгача бўлган вазиятни моделлаштириш жинийнинг сабабини ва мақсадини аниқлаш имконини беради; 2) жинийни содир этиш босқичи; жиний ҳолатини моделлаштириш ёрдамида жиний режа қандай ҳолатларда ва қандай шароитларда амалга оширилганлигини билиш мумкин; 3) жинийдан кейинги босқич; жиний инсценировкаларни аниқлаш ва таъсир қилишнинг энг муҳим босқичидир. Моделлаштириш усули ёрдамида жиний изларини йўқ қилиш ёки яшириш жараёни аниқланиши мумкин.

Муаллиф 324 та жиний иши таҳлили асосида амалиётда инсценировканинг қуйидаги турлари мавжудлигини аниқлаган:

1) битта жинийни бошқаси «ниқоби» остида яшириш (масалан, пулни ўзлаштириш ёки ўғирликни инсценировка қилиш мақсадида ўғирликни уюштириш);

2) жиний бўлмаган ҳодиса «ниқоби» остида жинийни яшириш (масалан, одам ўлдиришни инсценировка қилиш учун бахтсиз ҳодиса ёки ўз жонига қасд қилиш ҳақида тасаввур уйғотиш);

3) жинийнинг баъзи бир ҳолатларини унинг алоҳида элементлари тўғрисида ёлгон тасаввурни келтириб чиқариш билан яшириш (бошқа шахс томонидан бошқа жойда, бошқа вақтда, бошқа сабабларга кўра жинийнинг пайдо бўлиши);

4) ахлоқсиз ҳулқ-атвор, бепарволик ва бошқа жинийларни содир этилган жиний шаклида яшириш (масалан, пул ёки ҳужжатлар йўқолишини инсценировка қилиш мақсадида ўғирлик уюштириш).

Диссертацияда инсценировка мураккаб ҳодиса эканлиги, жинийчида мураккаб ниятнинг мавжудлиги, терговни чалғитиш билан жинийни яшириш чора-тадбирларини қўллаган шахс таҳлил қилиниб, инсценировкачининг ижтимоий ҳавфи катта эканлигини инобатга олган ҳолда жазо қатъий индивидуал равишда белгиланиши кераклиги асослаб берилган.

Диссертант ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш: а) билиш элементи: вазиятни, фактларни, ҳодисаларни идрок этишни, улар орасидаги сабабий боғланишни аниқлаш, тусмолларни илгари суриш; б) фаолиятнинг қидирув элементи томонидан тақдим этилган тусмолларни текшириш, қидириш, ҳодиса натижасида юзага келган ўзгаришларни аниқлаш, уларни текшириш, излар ва предметларни олиб қўйиш ва ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш; в) фаолиятнинг тасдиқловчи элементи текширув давомида аниқланган изларни, предметларни, белгиланган фактларни аниқлаш, тасдиқлаш ва қайд этишдан иборатлигини асослаб берган.

Муаллиф томонидан криминалист олимлардан Л.А.Иванов, В.Д.Рохлин, В.В.Степанов ва Ю.Г.Торбинлар томонидан инсценировкаларни аниқлаш мақсадида гувоҳлантириш билан бир вақтнинг ўзида кийимни кўздан кечириш юзасидан берилган тавсиялар таҳлил қилиниб, инсценировкани фош қилишда аҳамиятга молик маълумотларни олишни ҳисобга олган ҳолда жиноят-процессуал қонунчиликка «комплекс гувоҳлантириш»ни янги институт сифатида киритиш таклифи асослантилган.

Тадқиқотчи Жиноят кодексининг 237-моддаси иккинчи қисми «а» банди бўйича айбловнинг сунъий далилларини яратишни қуйидагича тизимлаштириш лозимлигини асослаган: гувоҳларни тайёрлаш, тегишли шахсларни қидириш, суд ва тергов органларида сўроқ вақтида жавоб беришга ўргатиш (ўқитиш); ёзма далилларни сохталаштириш ёки қалбакилаштириш; ашъвий далилларни яшириш; моддий далилларнинг турини ўзгартириш; моддий ёки ёзма далилларни олиб қўйиш; ҳодиса жойидаги вазиятдан келиб чиққан ҳолда ёлгон хабар бериш ва бошқалар.

